

КАСАБА УЮШМАЛАРИ УМУМКОНФЕДЕРАЦИЯСИ – ФУҚАРОЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ-МЕХНАТ ХУҚУҚЛАРИ ҲАМДА МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ БЎЙИЧА ҲАРАКАТЛАРИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ МАҚСАДИДА ТУЗИЛГАН ХАЛҚАРО КАСАБА УЮШМАЛАРИ БИРЛАШМАСИ.

Бугунги кунда Касаба уюшмалари умумконфедерацияси таркибига Россия, Беларусь, Қозоғистон, Озарбайжон, Арманистон, Грузия, Ўзбекистон, Тожикистон, Қирғизистон ва Молдовадаги энг йирик касаб уюшма марказлари кириди. Бундан ташқари, ташкилот бир қатор соҳалардаги халқаро тармоқ касаб уюшмаларини ҳам бирлаштиради.

КАСАБА УЮШМАЛАРИ УМУМКОНФЕДЕРАЦИЯСИНИНГ IX ҚУРУЛТОЙИ

Россия Федерациясининг Москва шаҳрида Касаба уюшмалари умумконфедерациясининг IX курултойи бўлиб ўтди.

Курултойга Умумконфедерация президенти Михаил Шмаков раислик қилди. Анжуманда умумконфедерация бош котиби Владимир Шербаков ташкилотнинг ўтган давр мобайнидаги фаолияти юзасидан ҳисобот берди. Шунингдек, Умумконфедерация Назорат-тафтиш комиссиясининг ҳисоботи кўриб чиқилди.

Муҳокама аввалида Ўзбекистон касаб уюшмалари Федерацияси раиси Қудратилла Рафиқов сўзга чиқди. Унинг МДХда умумий меҳнат бозорини шакллантириш мақсадида барча миллий касаб уюшма марказлари меҳнат мигрантларининг касаб уюшмаларига бирлашиш ҳуқуқларини амалга ошириш бўйича қонун ҳужжатлари қабул қилинишига кўмаклашиши, Касаба уюшмалари умумконфедерацияси тузилмасида меҳнат мигрантлари билан ишлаш ва миллий диаспоралар билан алоқаларни йўлга қўйиш бўлимини ташкил этиш, унинг навбатдаги курултойларига аъзо ташкилотларнинг тенг вакиллик тамойили асосида делегатлар корпусини шакллантириш билан боғлиқ долзарб тақлифлари делегатлар томонидан қўллаб-қувватланди.

Ташкилотнинг Низоми янгидан қайта кўриб чиқилди ҳамда кенг муҳокамалардан сўнг қабул қилинди.

Шунингдек, курултойда ташкилий масала ҳам кўриб чиқилди. Касаба уюшмалари умумконфедерациясининг IX курултойи делегатлари Нефть ва газ саноати корхоналари касаб уюшмалари халқаро конфедерацияси президенти Александр Корчагинни Касаба уюшмалари умумконфедерациясининг президенти этиб сайлади.

Бунгача ташкилот бош котиби ўринбосари



лавозимини эгаллаб келган Андрей Бельянинов Касаба уюшмалари умумконфедерацияси бош котиблигига сайланди.

Шундан сўнг Касаба уюшмалари умумконфедерациясининг вице-президентини сайлаш масаласи кўриб чиқилди.

Касаба уюшмалари умумконфедерацияси вице-президентлигига Ўзбекистон касаб уюшмалари Федерацияси раиси Қудратилла Рафиқов номзоди кўриб чиқилиб, бир овоздан маъқулланди.

Шунингдек, курултойда Умумконфедерация фаолиятига тааллуқли бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Ташриф давомида Ўзбекистон касаб уюшмалари Федерацияси раҳбариятининг бир қатор мамлакатлар касаб уюшмалари раҳбарлари билан икки томонлама манфаатли ҳамкорлик учрашувлари ҳам бўлиб ўтди.

Шу билан курултой ўз ишини якунлади.

Ўз муҳбиримиз

Ishonch

Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик!

2022 йил
8 сентябрь
пайшанба
№ 109 (4705)

Ўзбекистон касаб уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

www.ishonch.uz |
 ishonch1991@yandex.uz |
 <https://www.facebook.com/ishonch.gazetasi> |
 <https://t.me/ishonchgz>

Ўзбекистон касаб уюшмалари Федерацияси раиси Қудратилла Рафиқовнинг Касаба уюшмалари умумконфедерациясининг IX курултойида сўзлаган нутқи (2022 йил 7 сентябрь, Москва)

Ҳурматли курултой делегатлари ва иштирокчилари! Ўзбекистон касаб уюшмаларининг олти миллионга яқин аъзоси номидан барча делегатлар ва курултой иштирокчиларини самимий кутлайман.

Фурсатдан фойдаланиб, мезбонларга меҳмондўстлиги ва Курултой ишини аъло даражада ташкил этгани учун чуқур миннатдорлик билдираман.

Мен Касаба уюшмалари умумконфедерацияси ташкил этилганининг 30 йиллиги муносабати билан билдирилган барча табрикларга қўшиламан.

Ҳурматли курултой делегатлари! IX курултойимиз касаб уюшма ташкилотлари учун ҳам синовга айланган мураккаб даврда ўтмоқда.

Коронавирус пандемияси иқтисодий фаолликнинг пасайишига, аънаваный транспорт, логистика ва кооперация занжирларининг узилишига, жаҳон бозорларидаги беқарорликка олиб келди. Бу эса инфляция ва ижтимоий кескинликнинг кучайишига сабаб бўлди.

Буларнинг барчаси меҳнатқашлар ва улар оила аъзоларининг моддий фаровонлигига таъсир қилди, барча қитъаларда миллионлаб одамларнинг турмуш тарзига катта зарар етказди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёев томонидан ўз вақтида ва самарали чоралар қўрилгани COVID-19нинг салбий оқибатларини сезиларли даражада юмшатиш имконини берди. Инқироздан чиқишда уч томонлама ижтимоий мулоқотимиз, бошқача айтганда, трипартизм катта аҳамиятга эга бўлди.

Бу жараёнда Ўзбекистон касаб уюшмалари Федерацияси фаол иштирок этди.

Ушбу ижобий ўзгаришларда Ўзбекистон касаб уюшмалари Федерацияси ҳамда Касаба уюшмалари умумконфедерацияси ўртасидаги фаол ўзаро манфаатли ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этганини алоҳида таъкидламоқчиман.

Касаба уюшмалари умумконфедерациясининг доимий маслаҳати ва ҳуқуқий ёрдами билан биз миллий меҳнат қонунчилигини халқаро нормаларга, Халқаро меҳнат ташкилоти конвенцияларига мувофиқлаштириш борасида салмоқли натижаларга эришдик.

Кейинги йилларда Ўзбекистонда «Инсон – олий қадрият» шиори остида кенг қўламли ислохотлар бошланди.

Меҳнатқашлар ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилишда касаб уюшмалари ташкилотларининг ролини кучайтиришга мунтазам эътибор қаратилмоқда.

Барча замонвий жаҳон стандартларига жавоб берадиган янги «Касаба уюшмалари тўғрисида»ги қонун қабул қилинди.

Ҳар йили 11 ноябрь мамлакатимизда «Ўзбекистон касаб уюшмалари куни» сифатида кенг нишонланади.



Давлатимиз раҳбарининг фармони билан «Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар академияси» ташкил этилди.

Шунингдек, биз касаб уюшмалари меҳнат инспекциясини ҳам тикладик.

Касаба уюшмаларининг бевосита иштирокида янги Меҳнат кодекси ишлаб чиқилди.

Корхона ва ташкилотларда бир нафар ходимни ижтимоий қўллаб-қувватлашга йил давомида ажратилган маблағларнинг ўртача миқдори 5 баробарга ошди.

Республикамизда кам таъминланган хотин-қизларнинг ижтимоий ҳимоясига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мамлакат бўйича олти миллиондан ортиқ оилалар уйма-уй юриб ўрганилиб, жойларда қарийб бир миллион нафар хотин-қизнинг муаммолари аниқланиб, ҳал этилди.

Азиз ҳамкасблар!

Биз Касаба уюшмалари умумконфедерациясининг меҳнатни муҳофаза қилиш ва ходимлар соғлиги, ижтимоий ва пенсия таъминоти, уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш масалаларида муаммоларни биргаликда ҳал қилиш йўллари топишга қаратилган фаолиятини тўлиқ қўллаб-қувватлаймиз.

Шу билан бирга, биз Касаба уюшмалари умумконфедерацияси замонвий ижтимоий-иқтисодий ривожланиш тенденцияларини ҳисобга олиши, ўз вақтида жавоб бериши ва юзага келаётган чاقирғи ва муаммоларни ҳал қилишнинг самарали усуллари тақлиф қилиши керак, деб ҳисоблаймиз.

Шундан келиб чиқиб, биз қўйидагиларни тақлиф қиламиз:

Биринчидан, МДХда умумий меҳнат бозорини шакллантириш мақсадида барча миллий касаб уюшма марказлари меҳнат мигрантларининг касаб уюшмаларига бирлашиш ҳуқуқларини амалга ошириш бўйича қонун ҳужжатлари қабул қилинишига кўмаклашиши керак, деб ҳисоблаймиз.

Иккинчидан, биз Касаба уюшмалари умумконфедерацияси тузилмасида меҳнат мигрантлари билан ишлаш ва миллий диаспоралар билан алоқаларни йўлга қўйиш бўйича ихтисослаштирилган бўлим ташкил этишни тақлиф қиламиз.

Учинчидан, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, жамиятда муносиб ўрин эгаллашига кўмаклашиш мақсадида улар билан ишлашга алоҳида эътибор қаратиш лозим, деб биламиз. Ёш касаб уюшмалари етакчиларининг биринчи учрашувини Ўзбекистонда ўтказишни тақлиф қиламиз.

Тўртинчидан, касаб уюшмалари мулки дахлсиз бўлиши керак! Бу позиция курултойимиз қарорларида ўз ифодасини топиши зарур.

Биз Россия Мустақил касаб уюшмалари федерациясининг касаб уюшма мулкни ҳимоя қилиш ва ходимларни дам олдириш ва соғломлаштиришни яхшилаш борасидаги саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаймиз.

Бешинчидан, Касаба уюшмалари умумконфедерациясининг навбатдаги курултойларига аъзо ташкилотларнинг тенг вакиллик тамойили асосида делегатлар корпусини тузишни тақлиф қиламиз.

Биз ҳаммамиз мустақил давлатларнинг касаб уюшмалари вакилларимиз. Шунинг учун битта касаб уюшма марказининг овози бошқа касаб уюшма марказларининг овозларидан устун бўлишига йўл қўймастик зарур, деб ҳисоблаймиз.

Ҳурматли курултой делегатлари ва меҳмонлари! Касаба уюшмалари умумконфедерацияси Кенгашининг ҳисобот давридаги фаолиятини қониқарли деб ҳисоблаймиз ва Назорат-тафтиш комиссияси ҳисоботини тасдиқлашни тақлиф қиламиз.

Хулоса қилиб айтганда, биз бой тажрибага эга касаб уюшмаларимиз меҳнатқашларнинг меҳнат, касбий, иқтисодий, ижтимоий ва бошқа ҳуқуқларини ҳимоя қилишга ўзининг муносиб ҳиссасини қўйишига ишонамиз.

Ўзбекистон касаб уюшмалари Федерацияси бундан буён ҳам Касаба уюшмалари умумконфедерацияси фаолиятида фаол иштирок этишга, барча ҳамкорларимиз билан ўзаро манфаатли халқаро ҳамкорликни кенгайтиришга тайёрлигини билдираман.

Курултой ишига яна бир бор самарадорлик, унинг барча иштирокчиларига эса соғлиқ, бахт ва фаровонлик тилашга ижозат бергайсиз!

Этиборингиз учун раҳмат!

Кун нафаси

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 7 сентябрь куни мамлакатимиздаги дипломатик миссиясини якунлаётган Америка Қўшма Штатларининг Фавқуллода ва Мухтор элчиси Дэнисел Розенблюмин қабул қилди.




2022 йил 6 сентябрь куни Ўзбекистон ташқи ишлар вазири в.б. Владимир Норв бошчилигидаги делегация Европа иттифоқининг ташқи ишлар ва хавфсизлик сиёсати бўйича олий вакили, Европа комиссияси вице-президенти Жосеп Боррел билан учрашди.



Олий Мажлис Сенати Кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Сенат раиси Танзила Норбоева бошқарган мажлисда Сенатнинг ўттиз иккинчи ялпи мажлисини 2022 йил 13 сентябрь кунини чакориш тўғрисида қарор қабул қилинди.



Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари – инвестициялар ва ташқи савдо вазири Жамшид Хўжаев Туркменистон Вазирлар Маҳкамаси Раиси ўринбосари Ботир Атаев бошчилигидаги делегация аъзолари билан учрашди.



Бухорода Ўзбекистон ва Озарбайжон бизнес-форуми ташкил этилди. Форум вилоят ҳокимлиги ҳамда Ўзбекистоннинг Озарбайжондаги элчихонаси билан ҳамкорликда ўтказилди.



Пойтахтимиздаги Халқаро шахмат академиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун халқаро турнир старт олди.



2022 йил 7 сентябрь куни Ар-Риёд шаҳрида «Кўрфаз Араб давлатлари ҳамкорлик кенгаши – Марказий Осиё» Стратегик мулоқотининг биринчи йиғилиши бўлиб ўтди.



Жорий йил 6 сентябрь куни Самарқанд халқаро аэропортида фавқуллода вазири генерал-майор Абдулла Қўлдошев бошчилигида махсус-тактик ўқув машқи ўтказилди.



Тошкент вилояти ҳокими Зойир Мирзаев бошчилигидаги делегация амалий ташриф билан Корея Республикасида бўлиб турибди.



2022 йил 12-18 сентябрь кунлари «Самарқанд – Тошкент – Самарқанд» йўналишида «Афросиёб» юқори тезликдаги электропоездларининг 7 та рейси йўлга қўйилди.



Интернет хабарлари асосида тайёрланди

Сурхондарё
вилояти

Абдукарим АХМЕДОВ,
Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Сурхондарё вилояти кенгаши раиси

Барча шодлик сизга бўлсин!

Жорий йилнинг ёз фасли давомида Сурхондарё вилоятида 137 та, жумладан, 9 та стационар, 128 та соғломлаштириш майдончалари фаолият кўрсатди. Шундан 9 та стационар турдаги оромгоҳда 7 489 нафар, 128 та соғломлаштириш майдончасида эса 12 минг нафар бола ҳордиқ чиқарди.

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Сурхондарё вилояти кенгаши тасарруфидаги «Бешбулок-Сурхон-Шеробод» болалар соғломлаштириш оромгоҳида ҳар йили воҳа меҳнаткашларининг минг нафардан ортиқ фарзандлари мириқиб дам олади. Оромгоҳда бу йил дам олувчилар учун ҳар қачонгидан қулай шарт-шароитлар муҳайё этилди. 800 нафардан ортиқ болажонлар 4 навбатда ҳордиқ чиқарди. Энг муҳими, Қорақалпоғистон Республикасининг Тахиятош туманидан келган 7 ёшдан 14 ёшгача

бўлган 101 нафар ўқувчи ҳам яйраб ҳордиқ чиқарди.

Оромгоҳда бой кутубхона, фан тўғараклари, спорт секциялари ўқувчи болажонлар ихтиёрида бўлди. Айниқса, ҳар яшанбада ташкил этилган кечаларда эртақ қаҳрамонлари билан учрашувлар, билимдонлар баҳси, спорт мусобақалари каби тадбирлар дам олувчиларимизда унутилмас таассуротлар қолдирди. Бу йилги дам олувчиларнинг аксариятини аълочи ва жамоат ишларида фаол бўлган ўқувчилар, кам таъминланган оилалар ҳамда «Аёллар дафтари», «Темир дафтар» ва «Ёшлар дафтари»ларида рўйхатда турганларнинг фарзандлари ташкил этди. Уларнинг аксарияти имтиёзли ва бепул йўлланмалар билан таъминланди.

Ҳар куни болалар тоғ ён бағирлари, қир-адирларда чарчаш нималигини билмай сайр қилишди. У ерда мутахассисларимиз тузган кундалик кўнгилочар ҳамда қизиқарли машғулотлар билан шуғулланишди.

Хуллас, таътилни ҳар бир куни болажонлар хотирасида мангу муҳрланиб қолишига уриндик. Меҳнатларимиз натижаси сифатида қорақалпоғистонлик ота-оналардан ҳар куни миннатдорчилик хатлари келмоқда. Мана, улардан бири:

«Набирам Саидбек Райимбоев шу йил 22 июль – 6 август кунлари Сурхондарё вилояти Кўҳтанг тоғ тизмаларида жойлашган «Бешбулок-Сурхон-Шеробод» болалар соғломлаштириш оромгоҳида мириқиб дам олди. Бунинг учун оромгоҳ раҳбарларига ташаккур айтаман. Набирам оромгоҳни тинмай мақтайди. Ҳар бир боланинг кўнглига йўл топа оланларингиз, вақтини унумли ўтказишга ҳисса қўшганларингиз учун минг қулук. Айниқса, йўлда Самарқанднинг диққатга сазовор қадимий обидалари билан танишганлари нур устига нур бўлибди. Тахиятошлик ота-оналар номидан ҳурмат билан Рейимбай Сапарбоев».

Хоразм
вилояти

Анжуман

Агросаноат мажмуи ходимлари касба уюшмаси Республика кенгашининг Хоразм вилояти бўйича масъул ташкилотчиси томонидан анъанавий тарзда уюштирилиб келинаётган амалий семинарларнинг навбатдагиси Гурлан туманида ташкил этилди.

Тўй баҳона тўн битар



Тадбирга вилоятдаги барча туман кенгашлари раислари, Гурланди туманидаги тасарруфида бўлган бошланғич ташкилотлар вакиллари, ҳамкор ташкилотлар мутасаддилари таклиф қилинди.

Иштирокчилар дастлаб туман ирригация бўлими, ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими, ободонлаштириш бошқармаси бошланғич касба уюшма таш-

килотлари фаолияти, жамоа шартномаси асосида амалга оширилаётган чора-тадбирлар, хусусан, ходимларга яратилган шарт-шароитлар, меҳнат муҳофазасининг қай даражада йўлга қўйилгани билан танишдилар.

– Ташкилотимизда 43 нафар ходим фаолият кўрсатади. Жамоа шартномаси асосида ходимларга муносиб иш ва дам олиш шароитлари яратиш, меҳнатларига яраша рағбатлантириш

чораларини кўриб келямиз, – дейди ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими бошланғич касба уюшма ташкилоти раиси Муҳаббат Бобононова. – Барча ходимлар махсус кийим-бош билан таъминланган. Кўп болали оилалар вакиллари ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватланмоқда. Соғломлаштириш тадбирлари, спорт мусобақалари уюштирилади.

Танишув жараёнида бошланғич касба уюшма ташкилотлари фаолияти танқидий таҳлил қилинди. – Тўй баҳона тўн битар, дейдилар. Жойларда ташкил қилинаётган семинарлар натижасида бошланғич ташкилотларимиз фаолияти такомиллашмоқда, – дейди Агросаноат мажмуи ходимлари касба уюшмаси Янгибозор тумани кенгаши раиси Рейимбой Шерзонов. – Ютуқларни эътироф қилиш баробарида, камчиликлар ҳақида ҳам тўхталаямиз, уларни бартараф қилиш чора-тадбирларини кўряпмиз.

Анжуманда Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Хоразм вилояти кенгаши бўлим мудири Озод Исмоилов, Худойберган Отажонов, Агросаноат мажмуи ходимлари касба уюшмаси Республика кенгашининг Хоразм вилояти бўйича масъул ташкилотчиси Шавкат Сафарбоев ва бошқалар сўзга чиқиб, корхона ва ташкилотларда меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш, жамоа шартномалари ва келишувлари тузиш, ижросини таъминлаш, бу борада жамоат назоратини йўлга қўйиш хусусида тўхталдилар.

Муҳаббат ТўРАБОВЕВА
«ISHONCH»

Сирдарё
вилояти

Тадбир

Устозлар эътиборда

Таълим муассасаларида ишловчи 100 нафар илғор ходим ҳамда ёш мутахассислардан иборат вакиллар иштирокида мустақиллигимизнинг 31 йиллиги муносабати билан тадбир ташкил этилди. Унда Гулистон шаҳар халқ таълими бўлими ва касба уюшма мутасаддилари иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққанлар ҳудудда таълим тизимида 2021-2022 ўқув йилида эришилган натижалар, «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчилари», фан олимпиадаларида шаҳарнинг республикада қайд этган ўринлари сарҳисоб қилиниб, янги ўқув йилидаги вазифаларга тўхталди. Муассасаларда ишловчи 55 ёшга киритилган 20 нафар таълим фидойиси қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди. Шунингдек, бу йил олий таълим даргоҳларини битириб, умумтаълим мактабларига ишга қабул қилинаётган 24 нафар ўқувчи касба уюшмаси аъзоллигига қабул қилинди.

Фарҳод ТАШТАНОВ,
Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Гулистон шаҳар кенгаши раиси

Фаолият

Спортсеварларни жамлаган марафон

Навоий шаҳрида «Янги Ўзбекистонда эл азиз, инсон азиз!» шiori остида ўтказилган марафон «НКМК» АЖ, «Навоийуран» ДК ва «НКМК жамғармаси» давлат муассасасида меҳнат қилаётган спорт ихлосмандларини бир сафга жамлади.

Беллашув олдидан иштирокчилар 18-35 ёшлилар ва 35-60 ёшлилар гуруҳига сарланди. Шундан сўнг, меҳнат жамоалари ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этиш, спортни оммалаштиришга қаратилган тадбирга старт берилди.

– Спорт – саломатлик гарови.

Шу боис, доимо ишчи-ҳодимларимиз ўртасида турли мусобақаларни ўтказиб келямиз, – дейди «Сўғдиёна» жисмоний тарбия ва спорт клуби директори Соҳиба Қиличева. – Қаранг, спорт иштиқмандлари кўп экан. Улар орасида ёши улуғлари ҳам борлиги, айниқса, дилларга қувонч бахш этди.

Нормурод МУСОМОВ
«ISHONCH»

Тошкент
шаҳри

Кўмак



ЖАМОА ШАРТНОМАСИ АСОСИДА

Касба уюшмаси ҳамisha ходимлар манфаатларини кўзлаб, ҳар бир аъзони моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ҳаракатида бўлади. Иш берувчи билан ходимлар ўртасидаги меҳнатга оид, ижтимоий-иқтисодий ва касба оид муносабатларни тартибга солувчи норматив ҳужжат – жамоа шартномаси орқали тизимли ишларни амалга оширади.

Истиқлол айёми ва билимлар куни муносабати билан жамоа шартномаси бандларининг бажарилишини таъминлаш мақсадида ташкилотларда фаолият юритаётган кўп болали, кам таъминланган, «Аёллар дафтари»га киритилган ходимларнинг 1-синфга чиқаётган фарзанд-

лари учун ўн беш турдаги ўқув қуролларидан иборат жамланмалар тайёрланди. Ушбу хайрли мақсад йўлидаги совғалар эгаларига тантанали равишда топширилди.

Дилфуза МАНАПОВА,
Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Мирзо Улуғбек тумани кенгаши раиси

Фарғона
вилояти

ШУКРОНАЛИК ҲИССИ

Бағдод туманида «Аёллар дафтари»га киритилган 327 нафар аёлнинг ҳар бирига 1 миллион 200 минг сўмдан бир марталик моддий ёрдам пуллари тарқатилди.

Амалга оширилаётган ислохотлар, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий йўналишларда рўй бераётган янгиланишлар, энг асосийси, одамларнинг дунёқарашиди ўз аксини топаётган шукроналик ва эртанги кунга ишонч ҳисси ушбу тадбирда янада яққол намойён бўлди.

Туман ҳоқими ишсиз ва

ҳимояга муҳтож ҳар бир хотин-қизнинг бандлигини таъминлаш, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш, касб-хунарга йўналтириш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасидаги амалий ишлар изчил давом этишини алоҳида таъкидлади.

Жамшид ЭРГАШЕВ
«ISHONCH»

Андижон
вилояти

ХОНАДОНЛАРГА ҚУТ- БАРАКА УЛАШИБ...

Маданият, спорт ва туризм ходимлари касба уюшмаси Андижон вилояти барлашган кўмитаси томонидан тармоқ тасарруфидаги муассасаларда меҳнат қилаётган ишчи-ҳодимлар фарзандларига ўқув қуроллари ҳадя этилди.

Йил бошидан эса кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларнинг 2 минг 248 нафар фарзандига дарсликлар ва ўқув қуроллари харид қилиш учун харажатлари қисман қоплаб берилди. Шунингдек, ногиронлиги бўлган эркаклар «Муруват» интернет уйига Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг Андижон вилояти кенгаши томонидан кир ювиш машинаси топширилди.

Шу йилнинг ўзида жамоа шартномалари ва келишувлар орқали ёш бола парварши билан банд бўлган 241 нафар аёлга моддий ёрдам кўрсатилди. Бундан ташқари, касба уюшмалари санаторийларида корхона ва ташкилотларда меҳнат қилаётган кўп бо-

лали 13 нафар аёл ҳамда ёш оилаларнинг фарзандли бўлиши интиқлик билан кутаётган – бефарзанд 13 нафар фарзанди бепул соғломлаштирилди.

60 нафар эҳтиёжманд хонадон бекасининг «Ўзбекистон буйлаб саёҳат қилинг» дастури доирасидаги Самарқанд, Хоразм ва Тошкент шаҳарларига бепул ташкил этилган саёҳатлари ҳам мароқли ўтиб, ёрқин таассуротларга бой бўлди.

Янада эътиборлиси, «Аёллар дафтари»га киритилган 100 нафар хотин-қизга вилоят ҳоқими томонидан тикув машиналари берилиши билан улар ишли бўлиши, хонадонларига қут-баракка кирди.

Анваржон ҲАЛИМОВ
«ISHONCH»

Навоий
вилояти



Фарғона вилояти

480 миллион сўм ютилган, аммо натижа...

Капаянги – Бешариқ туманининг олис қишлоқларидан бири. Узоқ йиллардан бери қишлоқ аҳлини, айниқса, Устозлар ва Бойтўпи кўчаларида яшовчи бир ярим минг нафар аҳолини ичимлик сув муаммоси қийнаб келади. Одамлар сувни километрлаб масофадан ташлиб ичади. Қишлоқ одамларининг бу муаммо бўйича бормаган жойи, кирмаган идораси қолмаган, ҳисоб.

Хайриятки, қишлоқ аҳлининг омади чопди. Яъни улар Молия вазирлиги ташкил этган «Ташаббусли бюджет» лойиҳасида фаоллик кўрсатиб, ғалабага эришди. Лойиҳа доирасида аҳолини неча йиллардан бери қийнаб келатган ичимлик сув муаммосини бартараф этиш учун 480 миллион сўм маблағ ажратилди. Бу маблағ ҳисобига 10 км. ма-

софага ичимлик суви тармоғи тортилиши, 2 та сув минораси ва 2 дона сув насоси ўрнатилиши лозим эди. Аммо...

Орадан шунча вақт ўтибдики, қишлоққа тармоқ тортиш, сув минорасини ўрнатиш борасида ҳали бирор ишга қўл урилмаган.

– «Ташаббусли бюджет» лойиҳасида ғолибликни қўлга киритганимизда роса сунгонган эдик, – дейди Устозлар кўчасида яшовчи Зулайхо Мақсудова. – Энди қишлоққа сув келади, муаммоларимиз ҳал бўлади, деб ўйлагандик. Мана, лойиҳада ютганимизга 5 ой бўлибдики, бирор ўзгариш йўқ.

– Лойиҳада ютган бўлсак, пул ажратилган бўлса, нима сабабдан сув тортиш ишлари бошланмапти, биз шундан хавотирдамиз, – дейди Доноҳон Сатторова. Яна қачонгача узоқлардан сув ташиб ичамиз?... ОАВ орқали билиб-қўриб турибмиз, лойиҳада ютган бошқа жойларда аллақачон ишлар ниҳоясига етган. Бизнинг қишлоқда эса ҳали иш бошлангани йўқ.

Қишлоқ аҳлининг гапида жон бор. Бошқа ҳудудларда «Ташаббусли бюджет» лойиҳасида ғолибликни қўлга киритган қишлоқларда сув тармоғини тортиш, қудуқ қазииш, кўчаларни асфальтлаш, симёғочларни янгисига алмаштириш каби ишлар аллақачон ниҳоясига етган.

Аммо капаянгиликлар 480 миллион сўмлик лойиҳада ғолиб бўлган бўлса-да, ҳали бирор иш бошланмагани таажубланарли.

Айни пайтда республикамизда «Ташаббусли бюджет» лойиҳасининг 2-босқичи бошланди. Аммо ту-



ман масъуллари лойиҳанинг 1-босқичида ғолибликни қўлга киритган қишлоқда иш бошлангани йўқ.

Масъулларга берар саволимиз шу: Капаянги қишлоғида лойиҳа доирасида иш бошланиши учун яна қанча вақт керак?

Биз эса ҳолатни кузатишда давом этамиз.

Жамшид ЭРГАШЕВ «ISHONCH»



Самарқанд вилояти

Аёлнинг дарди – жамият дарди. Хотин-қизларнинг турмуш тарзи ва ғам-ташвишларини ҳар томонлама ўрганиб, ижобий ҳал этиш барчамизнинг вазифамиздир.

Ижтимоий ҳимоя

Саодатли кунлар келди, САОДАТ



– Туманимизда «Аёллар дафтари»нинг кейинги босқичи доирасида 2117 нафар хотин-қизнинг муаммолари ўрганилди, – дейди Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмасининг Кўшработ тумани кенгаши раиси Абдуҳамид Тўхтаров. – Шундан 118 нафарига тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишида кўмаклашилди. Боқувчисини йўқотган 644 нафар хонадон бекасига моддий ёрдам кўрсатилди. Ижтимоий ҳимояга муҳтож, ногиронлиги бўлган хотин-қизлар соғломлаштирилди.

Туманининг «Чорлоқ» маҳалласида яшовчи Саодат Сулаймонованинг дарди ичда эди. Тўғри, у хотин-қизлар учун белгиланган имтиёз ва имкониятлар доирасида тегишли кўмаклардан баҳраманд бўлганди. Аммо бошқа бир масала анчадан буён кўнглига хавотир солиб келатганди.

Маҳаллабай ўрганишлар чоғи туман адлия бўлимининг юридик хизмат кўрсатиш маркази ходимлари Саодатнинг уйда ҳам бўлиб, оилавий шароити билан танишдилар. Сўнгра қандай илтимоси борлиги билан қизиқдилар. У аввалбошда ийманди, охири ёрилди. Айтишича, саккиз яшар ўғли туғма ногиронлиги туфайли мактабга қатнамаётган, устига-устак, унга ногиронлик нафақаси белгиланмаган экан.

Адлия ходимлари онанинг дардини шунчаки чизиб-ёзиш ёки ҳуқуқий йўл-йўриқ кўрсатиш билан кифояланмадилар, балки амалий ёрдам кўрсатишга астойдил бел боғладилар. Натижада, болакай шу йил 22 июнда Республика тиббий-ижтимоий экспертиза инспекциясининг Самарқанд педиатрия ТИЕК кўригидан ўтказилди. Тиббиёт хулосасига кўра, унга ақлий ривожланишдан ортда қолишининг оғир даражаси билан касалланиш ташхиси қўйилди ва шунга мувофиқ ногиронлик белгиланди.

Бундан ташқари, Саодат Сулаймонова адлиячилар тавсиясига кўра, давлат хизматлари кўрсатиш маркази орқали Пенсия жамғармасининг Кўшработ тумани бўлимига ариза топширди. Унга ўзгалар парваришига муҳтож ногирон боласи борлиги учун ҳар ойда беш юз минг сўм миқдорда нафақа бериладиган бўлди. Шунингдек, фарзандининг уйда таълим олиш учун зарур шароитлар яратилди. Эндиликда у тенгқурлари қатори аниқ фанлардан сабоқ олиш ва бадий адабиётларни ўқиш имкониятига эга бўлди.

Нурилла ШАМСИЕВ «ISHONCH»

Хоразм вилояти

Муаммоингиз йўқми, ҳамкасб?



Ишга қайтгач, масъулиятли вазифага киришдик, яъни тиббиёт муассасамизда меҳнат муҳофазаси тадбирларининг қандай йўлга қўйилгани юзасидан жамоатчилик назорати режалаштирилган эди. Маиший шароитлардан то зарарли ишларда

Ҳар кўни ишга отланар эканман, зиммамдаги масъулият янги режалар устида бош қотиришга ундайди. Кичик тиббиёт ҳодими бўлиб ишлайдиган опахонимиз саратон касалигига чалинибди. Қўмита аъзоларидан эрталаб хонамга келишларини сўраганим. Ҳамкасбимизга моддий ёрдам ажратили ҳақидаги таклифимни улар қўллаб-қувватлади. Сўнг унинг уйига отландик.

ишловчиларга зарур сут маҳсулотларининг ўз вақтида берилиши, ходимларнинг махсус кийим ва иш қуроллари билан таъминлангани... Ҳеч бири эътибордан четда қолмаслиги керак.

Фаолиятимнинг ҳар бир кўни шу каби қизғин ва мазмунли кечиши учун интиланман. Тиббиёт бирлашмамизга қарашли оилавий поликлиникалар ва шифокорлик пунктларида фаолият кўрсатувчи аъзолар билан ҳам тез-тез учрашиб, меҳнат шароитларини яхшилаш, дам олишларини мазмунли ташкил этиш чораларини кўрамаиз.

Яқинда 35 нафар ходимимиз, 8 нафар пенсионер ва нодавлат секторда фаолият кўрсатувчи 7 нафар аъзосининг Бухоро ва Самарқанд шаҳарларига саёҳатини ташкил этдик. Ваколатимиздан келиб чиқиб иш бе-

рувчиға ходимларнинг иш ҳақини сақлаш тўғрисида билдирги бердик. Ҳамкасбларимиз, пенсионерлар ниҳоятда мамнун бўлди. Яна 6 нафар аъзо Тошкент шаҳрига саёҳат қилди.

Янги ўқув йили бошланиши муносабати билан кам таъминланган, кўп болали оилалар фарзандларини қўллаб-қувватлаш мақсадида 70 нафар касаба уюшма аъзосига ўқув қуроллари олиб берилди. Хасталикка чалинган ёки бошига мусибат тушган аъзолардан 15 нафарига моддий ёрдам ажратдик.

Бу каби мисолларимиз кўп. Асосийси, Жамоа шартномасидаги барча шартлар тўла бажарилишига эришяпмиз.

Манзура ЖУМАНОВА, Урганч тумани тиббиёт бирлашмаси касаба уюшма кўмитаси раиси

Эътибор

Наманган вилояти

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Наманган шаҳар кенгаши меҳнатни муҳофаза қилиш соҳаси бўйича тизимдаги ташкилот ва муассасалар иш берувчилари учун режалаштирилган махсус амалий ўқув-семинарнинг биринчи босқичини ўтказди.

Ўқув

САМАРАДОРЛИК ОРТАДИ

Иш жараёнида ходимларга соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитлари яратилиши, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш, меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлашда касаба уюшмалари фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида ташкил этилган ушбу машғулотда мактаб ва мактабгача таълим муассасаларининг раҳбар ходимлари иштирок этди. Анжуманда меҳнат инспекторлари томонидан иштирокчиларга мавзу юзасидан йўл-йўриқлар берилди. Бу каби ўқув машғулотлари тизимдаги барча муассасаларда ўтказилади.

Орзуғул РУСТАМОВА «ISHONCH»

Фикр

Сирдарё вилояти

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Сирдарё вилояти кенгашида «Қишлоқ хўжалигида адолатли ёллаш, муносиб меҳнат шароитларини яратиш» мавзусида семинар-тренинг ҳамда матбуот анжумани ташкил этилди.

Муҳим мавзуда мулоқот

Одам савдоси ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш ҳудудий комиссияси аъзолари ҳамда фуқаролик жамияти вакиллари билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур тадбирда муносиб меҳнат шароити яратиш, иш берувчилар бурчи, ходимлар манфаати ва ҳуқуқлари ҳақида сўз юритилди. Хусусан, «Пахтачилик кластер-муносиб меҳнат шароитларини

яратиш – иш берувчиларнинг бурчи», «Меҳнат муҳофазаси бўйича жамоатчи вакиллар иш фаолияти тўғрисида», «2022 йил пахта йиғим-теримида касаба уюшмалари тизимида жорий этиладиган қайта алоқа механизми» мавзусидаги маърузалар алоҳида қизиқиш уйғотди.

Иштирокчиларда туғилган саволларга Сирдарё вилояти ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари

Дилмурод Абдурахмонов, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Сирдарё вилояти кенгаши раиси Рустамбек Турсунмуродов ва вилоят бандлик бошқармаси бошлиғи Мурод Муҳаммадиевлар батафсил жавоб беришди.

Жонли мулоқот давомида айрим муҳим ҳолатлар аниқланди: бу йил пахта теришга ихтиёрий ёлланган ҳажрачилар сони 15 минг нафар

бўлиб, улар учун дала марказлари ташкил этилган, ҳосилнинг қарийб 45 фоизи терим машиналарида терилиши ва 2026 йилга бориб қўл теримдан мутлақо воз кечилиши кутилмоқда. Терим пуллари ўз вақтида берилиши учун айни пайтда 402 миллиард сўм захира қилинган.

Шунингдек, тадбирда таклифлар ҳам билдирилди. Жумладан, таълим муассасаларида ўқувчи ва талабаларнинг ихтиёрий пахта теримиға чиқишлари олдини олиш мақсадида дарсдан бўш вақтлари учун кўнгилочлар ўйинлар, спорт тўғрариқлари ташкил этилиши сўралди.

Озода МАМАДАЛИЕВА «ISHONCH»



Эълонлар

Янгийўл Технология иқтисодиёт касб-хунар коллежи томонидан 2017 йил Ахмедова Ферузобону Равшан қизи номига «Ишлаб чиқариш менежери, савдо ишлари менежери ёрдамчиси» ихтисослиги бўйича берилган К № 0301769-рақамли диплом йўқолгани сабабли бекор қилинади.

1-Тошкент Педагогика коллежи томонидан 2017 йилда Фозилбоева Муниса Алишер қизи номига «Бошланғич таълим ва спорт тарбиявий иши» йўналиши бўйича берилган К № 4880091-рақамли диплом йўқолгани сабабли бекор қилинади.

Янгийўл Тиббиёт коллежи томонидан 2016 йил Усмонова Фотима Алишер қизи номига «Даволаш иши» йўналиши бўйича берилган К № 4449028-рақамли диплом йўқолгани сабабли бекор қилинади.



Ажабо! ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРИ НЕГА БАЖАРИЛМАЯПТИ?

БУ ГАЛ «ҲОКИМ НЕГА ГАЗЕТА ЎҚИМАЯПТИ?» ДЕГАН САВОЛНИ БЕРМАЙМИЗ. ЎҚИМАСА, ЎҚИМАСА, ЮМУШИ КЎПДИР, ҚОЛАВЕРСА, НАШРЛАРНИ МУТОЛАА ҚИЛИБ, МАЗМУНИНИ АЙТИБ БЕРАДИГАН КОТИБЛАРИ БОРДИР.

Ўқиш нақадар зарурлигини, саводсизликни йўқотиш даркорлигини айтиш ҳам шарт эмас деб ўйлаймиз, чунки «Ақл ўргатма!» дейиши тайин. Ахир у ҲОКИМ – ўқимишли, зиёли, вилоят ёки шаҳар аҳолисининг етакчиси. Шундай хислатлари бўлмаганида, раҳбар этиб тайинланармиди?

Ўқимаса ҳам бўлар, лекин улар мамлакатимиз Президентининг ҳар бир фармон ва қарорини ҳижжалаб ўқиши шарт эмасми? Ёки уларни ўқиш ҳам котиблар даражасига тушиб қолганми?

Давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 11 майдаги «Халқ таълимини ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорининг 13-бандида раҳбар ва педагог кадрлар томонидан таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотларни, соҳада жорий қилинаётган янгиликларни янада кенгроқ тарғиб этилиши, ўқувчиларнинг касбий ва шахсий ривожланишлари учун керакли бўлган маълумотларни олишлари

учун имкониятларни кенгайтириш, уларнинг билими ва тафаккурини ошириш мақсадида халқ таълими йўналишидаги босма нашрларни таълим муассасаларига етказиб беришни таъминлаш вазифалари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари зиммасига юклатилди.

Афсуски, ушбу қарор ижроси молиячилар томонидан «Бюджет маблағларининг мазкур йўналишга ажратилишига рухсат йўқ» деган баҳона билан пайсалга солиб келинди. Президентимиз 2022 йил 27 июнда имзолаган «Оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш ва журналистика соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг 1-қисми «в» банди билан эса бу баҳонага чек қўйилди. Аниқроғи, бюджет ташкилотларига улардаги «кутубхона фонди» харажат моддаси орқали даврий босма нашрлар, уларнинг электрон шакли ва электрон оммавий ахборот воситаларига обуна

бўлиш учун маблағ йўналтиришга рухсат берилиши белгилаб қўйилди.

Яқинда ҳокимлик пиари учун қайсидир сайт билан тузилган 90 миллион сўмлик шартнома ижтимоий тармоқларда кўпчиликнинг назарига тушди. Бунга эътирозимиз йўқ. Пиар ҳозирги давр талабидир балки. Сайтнинг ҳам, сизнинг ҳам омадингизни берсин! Лекин юқорида таъкидланган қарорлар ижросига келганда «пул йўқ», шундайми? Тўғри, янги алифбomisда чоп этилаётган таълим нашрлари Сизнинг пиарингиз ёки вилоятингиздаги коррупцион ҳолатлар танқиди билан шуғулланмайди, лекин муаллимлар савиясини кўтариш, фарзандлар тарбияси ва саводини яхшилаш мақсадида чоп этилади.

ХУЛОСА. Президент қарори кўзбўямачилик ёки пиар учун чиқарилмайди! Юқорида тилга олинган қарорда мактаб кутубхонаси фонди учун маблағ ажратиш зарурлиги ўқитилган. Кутубхона фондиди ривожлантиришга ажратилмайдиган маблағлар



Халим САЙИД,
«Олтин қалам» миллий мукофоти совриндори

эса Сизнинг шахсий мулкнингиз эмас, жаноб ҳокимлар! Керакли маблағларни топиб, ажратиб, халқ таълимига оид газета-журнал шаклида шахсий назоратингиз остида мактабларнинг ғариб қолга келиб қолган кутубхонасига етказин! Бу – Президент топшириғи!

Сарлавахдаги саволга қайси ҳоким биринчи бўлиб жавоб бера олади? Шундай ҳоким борми ўзи?



Мутулаа

«ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЭЛ АЗИЗ, ИНСОН АЗИЗ!»

«Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари» журналининг давлатимиз мустақиллигининг 31 йиллигига бағишланган жорий йилги учинчи сони ушбу ғояга асосланган.

Журналда Президент маслаҳатчиси, Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазири вазифасини бажарувчи Т.Худойбергвановнинг мақоласида кейинги йилларда мамлакатимизда маҳалла том маънода ислохотлар марказидан ўрин олгани, фуқаролар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлашга йўналтирилган халқпарвар сиёсат изчил амалга оширилаётганлиги ўз ифодасини топган.

Шунингдек, Президент ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил Д.Қосимов, юридик фанлари доктори, профессор Ж.Тошқулов, Адлия вазирлиги масъул ходими З.Фармонов ва бошқаларнинг илмий мақоалари мустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг халқаро ҳам-жамиятдан муносиб ўрин олгани, мамлакатимизда янгича сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, илмий-маърифий ва маданий муҳит

шаклланаётгани, ҳаётимизнинг барча соҳаларида элни азиз, инсонни азиз қилишга йўналтирилган кенг қўламли чуқур ислохотлар изчил амалга оширилаётгани билан аҳамиятли.

Журналда Конституция-мизни давр талаби асосида ислоҳ қилиш жараёнига ҳам кенг ўрин берилган. Конституциявий комиссия раиси, академик А.Саидов, Парламентлараро Иттифоқ Бош котиби М.Чунгонг, Халқаро меҳнат ташкилотининг Бош директори Х.Коллер, БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармасининг бўлими бошлиғи Ж.Магаззени ва бошқалар ўз чиқишларида Асосий Қонунимизнинг такомиллаштирилиши биринчи навбатда, Янги Ўзбекистонни ижтимоий ва ҳуқуқий давлатга айлантириш, халқимиз фаровонлигини ошириш, ҳар бир фуқаронинг шахсий ҳаёти дахлсизлиги кафолатланишига хизмат қилишини алоҳида таъкидлашган.

Диёра РАВШАНОВА
«ISHONCH»



Фарғона вилояти

Спартакиада

ҒОЛИБЛИК ИШТИЁҚИ

Фарғона шаҳар тиббиёт бирлашмаси касаб ва фарғона қўмитаси «Аҳмад ал-Фарғоний дам олиш уйи»да «Янги Ўзбекистонда эл азиз, инсон азиз!» шиори остида «Спорт – саломатлик гарови» спартакиадасини ўтказди. Унда шаҳардаги тиббиёт муассасаларида меҳнат қилаётган ишчи-ходимлар ғолиблик учун бор имкониятларини ишга солишди.

Спартакиадада олти та жамоа кураш олиб борди. Шиддатли ўтган футбол мусобақасида марказий кўп тармоқли поликлиника жамоаси барча рақибларни енгиб, биринчи ўрин соҳибига айланди. Аёллар ўртасида кечган волейбол баҳсида 8 та жамоа ғолибликка даъвогарлик қилди. Қизғин ва муросасиз кечган беллашувда шаҳар тиббиёт бирлашмаси жамоасининг қўли баланд келиб, мусобақа пешқадамига айланди.

Ғолибларга эсдалик совғалари топширилди.

Жамшид ЭРГАШЕВ
«ISHONCH»

САВДО БИЛАН МАШҒУЛ ЎҚУВЧИЛАР

эътибордан ва таълим-тарбиядан четда қолмаяптими?

Учбурчак энг мустақкам геометрик шакл саналади. Мен мактаб, ота-она ва маҳалла ўртасидаги ҳамкорликни ана шу учбурчакка ўхшатаман, у қанча мустақкам бўлса, ёшлар таълим-тарбияси шунча яхшиланади. Бироқ аксариятимиз кўпинча кундалик ташвишлар билан андармон бўлиб, масаланинг бу жиҳати етарлича эътибор бермаймиз. Аниқроғи, фарзандларимиз хатти-ҳаракатларини ва нималар билан шуғулланётганини назорат қилишни унутиб қўямиз.

Масалан, шу йил ёзда андижонлик 12-14 ёшли болалардан айримлари катта кўчалар четида, бозорларда ва одамлар гавжум жойларда чанқоқбости ичимликлар савдоси билан машғул бўлишди. Хўш, айтинг-чи, уларни ўқитувчи-мураббийлари, маҳалла фаноллари, ички ишлар бўлимининг вояга етмаганлар билан ишлаш ходимлари кўрмадиларми? Кўрган бўлсалар, нега ҳеч қандай чора қўлламадилар? Ёки қайсидир юқори ташкилотдан бу борада алоҳида буйруқ келишини кутишдимми?

ёмонлар, бебошлар, ўғрилар, гиёвандлар ва нашавандлар... кеча тарбияларига эътибор берилмаган болалардир».

– Биз ўқитувчилар ҳарчанд куюнмайлик ота-оналар болаларига бепарво бўлгач, ўқувчи таълимга лоқайдлик билан қарайверади, – дейди Избоскан туманидаги 6-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Давлатой Эркинова. – Аввало, оилада таълимга иштиёқ уйғотувчи муҳит шакллантирилиши ва зарур шарт-шароит керак. Чунки боланинг кўп вақти оилада ўтади.

Дарҳақиқат, шаҳарларда эҳтимол топилар, лекин қишлоқларда болалари ўқиб-ёзиши учун алоҳида хона ажратиб ва қулайликлар яратиб берган, улар билан бирга дарс қиладиган ота-оналар борми? Молқўй боқиб ёки деҳқончилик қилиш билан банд бўлган болаларнинг қулоғига дарс кирадими? Ёки бошқа савол: ҳозир қишлоқ ёшларининг қанчасидан компьютер бор? Масаланинг бу жиҳати билан жиддий қизиққан-мизми? Табиийки, бундай муаммоларга ечим топмасак, болаларимиз келажақда дунёни илм қудрати билан забт этишлари амримаҳол бўлиб қолаверади.

Қишлоқ мактабларининг бирида муаллимлик қиладиган танишимдан «Бу йил салкам 1 миллион 740 минг нафар йигит-қиз олий ўқув юртларига кириш учун тест топширгани,

шундан 550 минг нафари, яъни 51,2 фоизи ўтиш баллининг энг кўйи чегараси бўлган 56,7 баллни ҳам тўплай олмагани ижтимоий тармоқларда катта шов-шувларга сабаб бўлди. Бу ҳолат мактабда ҳам муҳокама қилинганми, деб сўрадим. «Афсуски, йўқ!» – дея жавоб берди танишим.

Таажжуб, муаллимларнинг ўзлари таълимга бунчалар бепарво бўлишса, ўзгалардан нимани кутиш мумкин? Қолаверса, бутун ўрта мактабда олинган билим билан олий ўқув юртига кириб бўлмаслиги ҳам аён бўлиб қолди. Адашмасам, бундан 3-4 йил аввал мактаблар қошида олий ўқув юртларига тайёрловчи фан тўғрақлари ташкил этилганди. Нега уларнинг самараси сезилмаяпти? Ёки тўғрақ жадваллари тузилиб, машғулотлар ҳужажкурсинга ўтиляптими?

Менимча, юқорида тилга олинган масалалар ҳақида жиддий ўйлаб кўрсак, турли-туман тадбирбозлик ва қоғозбозликларга чек қўйиб, мактабларда берилаётган таълим сифатини оширсак, ўқувчиларни ҳар томонлама баркамол инсонлар қилиб тарбияласак, бугунги ва келгуси авлодлар олдида юзимиз ёруғ бўлади.

Анваржон ҲАЛИМОВ
«ISHONCH»



Тарбияга эътиборсизлик қандай оқибатларга олиб келиши ҳақида маърифатпарвар боболаримиздан бири Абдулла Авлоний шундай деб ёзган эди: «Бугунги кунда жамиятимизнинг юзини қора қилувчи пасткашлар,

МУАССИС:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5009
2007 йил 11 январда Ўзбекистон Маъбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари таҳрир хайъати:

- Қудратилла РАФИҚОВ
(таҳрир хайъати раиси),
Улуғбек ЖАЛМЕНОВ,
Анвар АБДУМУХТОРОВ,
Сайфулло АҲМЕДОВ,
Акмал САИДОВ,
Равшан БЕДИЛОВ,
Қутлимурот СОБИРОВ,
Сухроб РАФИҚОВ,
Шоқосим ШОИСЛОМОВ,
Ҳамидулла ПИРИМҚУЛОВ,
Нодира ҒОЙИБНАЗАРОВА,
Анвар ҚУЛМУРОДОВ
(Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари),
Меҳридин ШУКУРОВ
(Масъул котиб – «Ishonch»),
Валентина МАРЦЕНЯК
(Масъул котиб – «Ishonch-Доверие»)

Бош муҳаррир
Ҳусан ЭРМАТОВ

- Бўлимлар:**
Касаба уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69
Хўқуқ ва халқаро ҳаёт – (71) 256-52-89
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт – (71) 256-82-79
Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43
Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

www.ishonch.uz
сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони ва қарорлари, энг сўнги янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишингиз мумкин.

Худудлардаги муҳбирлар:

- Қорақалпоғистон Республикаси – (+998-99) 889-90-22
Андижон вилояти – (+998-99) 889-90-23
Жиззах вилояти – (+998-99) 889-90-34
Наманган вилояти – (+998-99) 889-98-02
Навоий вилояти – (+998-99) 889-90-28
Самарқанд вилояти – (+998-99) 889-90-26
Сирдарё вилояти – (+998-99) 889-98-55
Сурхондарё вилояти – (+998-99) 889-90-32
Фарғона вилояти – (+998-99) 889-90-24
Хоразм вилояти – (+998-99) 889-98-01
Қашқадарё вилояти – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтани назардан фарқланиши мумкин.

Навбатчи муҳаррир:
А. Абдурахмонов
Мусаҳҳилар:
Д. Худойбергванова,
Д. Равшанова
Саҳифаловчи:
Ҳ. Абдужалилов

Босишга топшириш вақти – 23:40
Топширилди – 23:50

Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди.
Ҳажми 2 босма табақ.
Буюртма Г-906
31536 нусхада босилди.
Нашр кўрсаткичи: 133

1 2 3 4 5 6
Баҳоси келишилган нархда
Манзилими:
100165, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-уй.
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.
Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
«Shaq» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.
Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Таҳририят ҳисобрақами:
2021 0000 0004 3052 7001,
АТИБ «ipoteka bank»
Яшнобод филиали,
банк коди: 00959,
СТПР: 201133889,
ОКЭД: 58130